



Боскинчилик ва кўзғолон ҳаракатларининг натижасида Араб дунёсида бугунги миллий давлатлар пайдо бўлди. Юз йил аввал арабларнинг кўпчилиги пойтахти Истанбул бўлган Усманийлар империясининг қармоғида яшар эдилар. Араб дунёсининг бугунги сиёсий харитаси эса турлича парчалардан ташкил топган расм-топишмоқ(пазл)га ўхшаб кетади. 20-асрнинг иккинчи ярмидаги кийин ва чигал воқеалар Усманийлар империясининг яқун топиши, Яқин Шарқда янги миллатлар ва бир умматни парчалаб ташлаган чегараларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу воқеалар турли сабабларга содир бўлганига қарамай, бошқа барча давлатларга қараганда Британия бу воқеаларнинг ривожига кўпроқ тўқди. Британияликларнинг бир-бирига зид бўлган уч хил келишувга кўра иш кўриши сиёсий бошбошдоқликни юзага келтириб, Ислом дунёсининг йирик ҳудудида мусулмонларнинг бўлиниб кетишига олиб келди.

Биринчи жаҳон урушининг бошланиши

1914 йилнинг ёз ойида Европада уриш бошланиб кетди. Тўрт йил давом этган вайронакор урушда 12 миллион одам қурбон бўлди. Ўта мураккаб иттифоклар, милитарист ва мустамлакачиларнинг қарнайдек иштахалари ва, умуман олганда, мамлакат юқори даражадаги раҳбариятининг ҳатолари ушбу уруш келиб чиқишига сабаб бўлди. Рақибларнинг бир тарафи “Атланта” бўлиб, унга Британия, Франция, Россия ва унинг иттифокчилари қирган бўлса, иккинчи тарафда – “Уч давлат ўртасидаги иттифок” эди ва унга Олмония, Австро-Венгрия ва Италия (кейинчалик бетараф бўлиб олган) каби мамлакатлар аъзо эди; уруш ҳаракатлари бошланиб кетганида бу блокка Усманийлар салтанати ва Болгария ҳам қўшилди.

Дастлабки вақт Усманийлар салтанати бетарафлик (нейтралитет)ни саклашга ҳаракат қилган. У куч жихатидан урушда қатнашаётган бошқа мамлакатлардан заиф бўлиб, бир қатор ички ва ташқи таҳдидларга қарши қурашишга мажбур ҳолатда эди. Айни вақтда, Усманийлар султони номигагина ҳукмдор бўлган. Энг сўнгги ҳақиқий иқтидор соҳиби бўлган султон Абдулхамид II 1908 йилда тахтдан ағдарилган эди ва унинг ўрнида ҳарбийлардан иборат ҳукумат – “Уч поша” ҳукмронлик қилган. Улар дунёвийликни даъво

килган “Ёш турклар” харакатига тааллуқли бўлишган. Усманийларнинг Европа мамлакатлари олдида жиддий молиявий мажбуриятлари бўлиб, Усманий турк салтанати уни тўлай олмаган. Даставвал у “Антанта” сафига қўшилмокчи ҳам бўлди, лекин уни қабул қилишмагач, 1914 йил октябрида “Уч давлат ўртасидаги иттифок” тарафида урушга кирди.

Британияликлар дархол Якин Шарк ерларини босиб олиш ҳамда Усманийларни йўқ қилиш режаси устида ишлай бошлашди. 1857 йилда Хиндистонни босиб олган Британия 1888 йилга келиб Мисрни ҳам назорат қила бошлади. Усманийлар султонлиги айнан Британиянинг икки мустамлакаси ўртасида жойлашган эди ва инглизлар жаҳон урушидан фойдаланиб, Усманийлар давлатини йўқ қилишга киришишди.

Араблар кўзголови

Британияликларнинг тактик қадамларидан бири Усманийлар салтанатидаги арабларни марказий ҳукуматга қарши қилишдан иборат бўлган. Араб яриморалининг қарбиди, Хижозда, уларга бу масалада ёрдам берадиганларни топишди. Макканинг ўша пайтдаги амири Шариф Хусайн бин Али Британия ҳукумати билан усманийларга қарши кўзголон кўтариш ҳақида тил бириктирди. У нега гайридинлар билан мусулмонларга қарши тил бириктиргани хали-хануз бизга маълум эмас. Кўзголон қилишга унинг турк миллий гоёларига қарши бўлганлиги, қандайдир шахсий адоват ёки ҳокимиятга ўч бўлгани сабабдир, эҳтимол. Нима бўлган тақдирда ҳам, Шариф Хусайн британияликлар билан иттифок тузган ҳолда, усманийларга қарши бош кўтарди. Инглизлар кўзголончиларга қурол-аслаҳа, пул етказиб бериш мажбуриятини олишди. Бундан ташқари, Британия урушдан сўнг Шариф Хусайнга шахсий араб қироллигини ваъда қилишди. Мазкур қиролликка бутун Араб яримороли ҳамда Ироқ ва Сурия ҳудудлари ҳам ваъда қилинди. Тарафлар кўзголон кўтаришга тайёргарликларни муҳокама қилган мактуб “МакМагон-Хусайн ёзишмалари” номи билан машхур. (Ҳенри МакМагон ўша вақтда Британиянинг Мисрдаги олий комиссари эди).

1916 йил Хижозда қуролланган кўчманчи араблар Шариф Хусайн бошчилигида усманийларга қарши урушни бошлаб юборади. Орадан бир неча ой ўтиб, кўзголончилар Британия армияси ҳамда флоти ёрдамида Хижоздаги муҳим бўлган бир-икки шаҳарни босиб олишади, шу жумладан Жидда ва Маккаи Муқаррамани ҳам. Британияликлар аскарлар, қурол-аслаҳа, пул ва маслаҳатчилар (масалан, машхур Лоуренс Арабий (Аравийский)) билан ёрдам бериб туради. Кўзголончиларга ҳатто байроқ ҳам ясаб берадилар. Британияликлар мазкур байроқни Мисрда махсус тайёрлашган, кейинчалик бу байроқ “араб кўзголови байроғи” билан машхур бўлди. Сўнг бу байроқ Урдун, Фаластин, Судан, Сурия ва Қувайт байроқларининг асоси бўлган.

Биринчи жаҳон уруши 1918 йилгача давом этди. Бу орада араб кўзголончилари усманийлардан жуда кўп шаҳарларни тортиб олишга муваффақ бўлишди.

Британияликлар Фаластин ва Ироқ бўйлаб юриш қилдилар, Қуддуси шариф ва Бағдодни ҳам босиб олдилар. Араблар уларга Аммон ва Дамашқни ҳам босиб олишга ёрдам беришди. Араблар кўзголовини кенг аҳоли қўллаб-қувватламаганини ҳам таъқидлаб

Ўтиш зарур. Бу ишлар асосан ўз ҳокимиятини кенгайтирмокчи бўлган бир нечта раҳбарлар бошчилигида озчилик ҳаракати тарафидан амалга оширилган. Халқ мазкур низодан четда турган, улар на кўзголонтчиларнинг ва на усмонийларнинг тарафини олишган. Агар британияликларнинг бошқаларга берган ваъдаси бўлмаганида, Шариф Хусайннинг араб давлатини тузиши режаси муваффақият қозониш эҳтимоли катта эди. Араблар кўзголтони бошланмасдан туриб, ҳамда Шариф Хусайн араб давлатини ташкил қилмасидан олдин инглиз ва французларнинг ўз режалари бор эди. 1915–1916 йилларнинг кишида британиялик дипломат Марк Сайкс ва франциялик дипломат Франсуа Жорж-Пико ўртасида махфий учрашув бўлиб ўтади. Ўша учрашувда Усмонийлар салтанати мағлуб бўлганидан сўнг Араб дунёсининг тақдири ҳақида музоқаралар бўлди. Уларнинг “Сайкс–Пико келишуви” деб ном олган битимига кўра, араб дунёси Британия ва Франция ўртасида бўлиб олинган. Британияликларга ҳозирги Ироқ, Кувайт ва Урдун ҳудудлари ўтиши керак эди, ҳозирги Сурия, Ливан ва Туркиянинг жануби эса Францияга ўтиши белгиланган эди. Фаластин тақдири эса кейинга қолдирилиб, уни хал қилишда саҳюнчиларнинг манфаатини ҳисобга олиш назарда тутилган эди. Келишувда баъзи ҳудудларни европаликлар назоратидаги ўзини ўзи бошқариш услубида идора этиш режа қилинган бўлса, қолганларини Британия ва Франция ўзларининг тўлик назоратларига олиши керак эди. Биринчи жаҳон урушидан сўнг Яқин Шарқни парчалаш режаси сир сақланиши керак бўлган, бироқ 1917 йилда Россиядаги “большевик”лар туфайли бу режа овоза бўлиб кетди. “Сайкс–Пико келишуви” Шариф Хусайнга ваъда қилинган нарсаларни инкор қилар эди. Шунинг учун инглиз-араб муносабатлари сезиларли даражада таранглашиб кетди. Бироқ, бу британияликларнинг олдинги аҳд ва ваъдаларига ҳилоф равишда тузган ягона битими эмас эди.

Бальфур декларацияси

Яқин Шарқ сиёсий ландшафти бўйича ўз фикрига эга бўлган яна бир гуруҳ мавжуд бўлган. Булар саҳюнчилар эди. Саҳюнчилик – сиёсий ҳаракат бўлиб, Фаластиннинг муқаддас ерларида яҳудийлар давлатини тузишга чақирган. Бу ҳаракат 19-асрда ташкил топган ҳамда Олмония, Польша ва Россияда истиқомат қилаётган яҳудийларнинг Фаластин заминида кўчиб ўтишларини рағбатлантириб турган. Биринчи жаҳон урушидан сўнг, алалоқибат, саҳюнчилар Британия ҳукуматидан яҳудийларни Фаластинга кўчишлари учун руҳсат олишга ҳаракат қилди. Британиянинг жуда кўп сиёсатчилари бу сиёсий ҳаракатнинг тарафдорлари бўлишган. Улар орасида ички ишлар вазири Артур Бальфур ҳам бор эди. 1917 йил 2 ноябрь куни у саҳюнчилар пешвоси бўлган Ротшильдга мактуб юбориб, Британия ҳукумати Фаластинда саҳюнчилар давлатини тузиш гоёсини расмий равишда қўллаб-қувватлашини маълум қилди: “Олий ҳазратларининг ҳукумати яҳудийларнинг Фаластинда ўзлапрининг миллий ўчоқларини ташкил этиш тақлифини ижобий маънода кўриб чиқмокда ва бу мақсадга етиш учун ўзининг бор имкониятларини йўлга қолади; Фаластинда истиқомат қиладиган ва яҳудий бўлмаган жамоаларнинг на фуқаровий ва на диний ҳуқуқлари бузилмаслиги

керак, ҳамда исталган бошка мамлакатлардаги яхудийлар фойдаланиб келаётган ҳуқуқ ва сиёсий мақомлари ҳам ўзгармай қолади”.

Ихтилофли шартномалар

Шундай қилиб, 1917 йилга келиб, британияликлар турли бўлган учта тараф билан тил бириктирганлар. Унда инглизлар араб дунёси учун турли хил сиёсий келажакларни ваъда қилишган. Араблар Шариф Хусайнга ваъда қилинган араб қироллигини ишташган; французлар (британияликлар ҳам) бу ерларни ўзаро бўлиб олишни ўйлашган, саҳюнлар эса, Бальфурнинг айтганидан келиб чиқиб, Фаластинни олишга интизор бўлишган. 1918 йилга келиб, уруш “Антанта” мамлакатларининг голиблиги ҳамда Усманийлар салтанатининг мағлубияти билан яқун топди. 1922 йилгача Усманийлар расмий тарзда мавжуд бўлган (давлати эса 1924 йилгача) бўлса-да, салтанатнинг бутун ҳудуди европалар тарафидан аллақачон босиб олинган эди. Уруш тугади, аммо уч тараф Яқин Шарк келажаги бўйича ҳали ҳам узил-кесил келиша олмадилар.

Ким голиб бўлди? Аслида, ҳеч бир тараф ўзи истаган нарсага тўлиқ эриша олмади. Урушдан бироз вақт ўтиб Миллатлар Лигаси ташкил этилди. Унинг вазифаларидан бири собиқ Усманийларга тегишли ерларни бўлиш эди. Бу халқаро ташкилот араб ҳудудлари учун ўз “мандат”ларини чиқарди. Мандатга кўра, “ўзлари тўлиқ мустақил бўлмагунига қадар” бу ерларни Британия ёки Франциянинг бошқарувида бўлиши кўзда тутилган эди. Шундай қилиб, Миллатлар Лигаси ҳозирги Яқин Шарк минтақаси мамлакатларининг сиёсий ҳаритасини белгилашда бевосита иштирок этди. Чегараларни белгилашда маҳаллий аҳолининг манфаатлари, этник, жугрофий ва диний хусусиятлар умумун эътиборга олинмади. Ҳаммаси шунчаки ўзбошимча тарзда амалга оширилди. Бугунги Яқин Шаркнинг сиёсий чегаралари аҳолининг миллий-диний таркибига умуман алоқаси йўқлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Мандат тизими ёрдамида британияликлар билан французлар анчадан бери орзу қилишган Яқин Шарк минтақасини ўз назоратларига олишга муваффақ бўлишди. Шариф Хусайнга келсак, унга ва унинг фарзандларига британияликларнинг қўл остидаги ҳудудларни бошқаришга руҳсат берилди. Шу йўсин, шахзода Файсал Ироқ ва Сурия қироли деб эълон қилинди, шахзода Абдуллоҳ эса Урдун қиролига айланди. Амалда эса, ҳокимият британияликлар билан французларнинг қўлида эди.

Саҳюнчиларга эса британияликлар баъзи чекловлар билан Фаластинга кўчиб келишларига руҳсат беришди. Британияликлар бу ерда яшаётган арабларни ортикча кўзгамаслик учун яхудийлар кўчиб келишини маълум маънода чеклашга ҳаракат қилишди. Бу эса саҳюнчилар норозилигига сабаб бўлиб, улар турли хил ноқонуний йўллар билан 1920-1940 йиллар мобайнида Фаластин заминига оммавий тарзда оқиб кела бошлади. Араблар ҳам бу кўчиб келишларни ерларига ҳамда 1187 йилдан бери мусулмонлар қўлида бўлган Қуддуси шарифга бўлган таҳдид дея баҳолашди.

Биринчи жаҳон урушидан сўнг британияликлар томонидан экилган сиёсий тартибсизлик уруғи бугунда ҳам ўз ечимини топган эмас. Бир-бирига зид бўлган битимлар асосида ташкил қилинган давлатлар Яқин Шарк минтақасини сиёсий жиҳатдан барқарорсиз этиб

кўйди. Муслмонларнинг таркокклиги ортидан сахюнчиларнинг кўтарилиши хукумат идораларида коррупциянинг авж олишига ва бутун минтаканинг иктисодий инкирозга юз тутишига олиб келди. Юз йил олдин сунъий равишда амалга оширилган таркоклик хали-хануз мавжудлигича колмокда ва, хатто, янада кучайиб, илдиз отиб бормокда.

Абу Муслим таржимаси
Манба: "Lost Islamic History"